

Тергов судьяси лавозим.

Фармонга кўра тергов судьяси зиммасига Ўзбекистон Республикаси ЖПҚда кўрсатилган ишни судга қадар юритиш жараёнида суднинг қарори (ажрими) талаб қилинадиган процессуал ҳаракатлар бўйича суд ваколатларининг барчаси ўтказилиши, шунингдек тергов судьялари маъмурий ҳукуқбузарликка оид ишларни кўриб чиқиши белгиланмоқда.

Фармонга мувофиқ, тергов судьясига қўйидаги жиноят материалларини қўллаш масаласини кўриб чиқиш ваколати берилади:

- Қамоқقا олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш билан боғлиқ илтимоснома;
- Қамоқда сақлаш ёки уй қамоғи муддатини узайтириш масалалари билан боғлиқ илтимоснома;
- Паспортнинг (ҳаракатланиш ҳужжатнинг) амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги илтимоснома;
- мурдани эксгумация қилиш ҳақидаги илтимоснома;
- почта телеграф жўнатмаларини хатлаш тўғрисидаги илтимоснома;
- тинтуб ўтказиш ҳақидаги илтимоснома;
- телефонлар ва бошқа телекоммуникация қурилмалари орқали узатиладиган ахборотни олиш ҳақидаги илтимоснома
- мол-мулкни хатлаш тўғрисидаги илтимоснома;

Бундан ташқари бир нечта мажбурлав чоралари билан боғлиқ илтимосномаларни кўриб чиқади.

“Тергов судьяси ўз фаолиятини мустақил амалга ошириб, фақат қонунга бўйсунади ҳамда тергов судьясига одил судловни амалга ошириш билан боғлиқ бўлмаган ар қандай вазифалар юклатилишига йўл қўйилмайди” – дейилади фармонда.

Уларни лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод қилиш, шунингдек судьялар корпусини шакллантириш қонунда белгиланган тартибга мувофиқ амалга оширилади, ташкилий фаолиятларига Қорақалпоғистон суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, Ҳарбий суд раислари раҳбарлик қиласи.

Жиноят ишлари бўйича

Олтинсой туман судининг раиси Т.Абдуллаев.